

Катталар таълимининг ўзига хос психологик хусусиятлари.

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ

Шамшетова А.К.-психология фанлари номзоди

Таълим тизимда олиб борилаётган ислохотлар самараси таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагог ходимларнинг билим савияси, малакаси ҳамда ислохотларни амалга оширишга тайёргарлик даражасига бевосита боғлиқ. Шу боисдан катта ёшдаги педагог ходимлар мунтазам равишда ўз билим, кўникма ва малакаларини янгиллаб боришларига имкониятлар яратилган.

Психологияда катталар таълимига қизқиш ўтган асрнинг 30 йилларида «катталарни ўқитиш лозимми?» деган саволлар билан чиқишди. Бу вақтларда катта ёшлилар учун ўқув қўлланмалар етарли бўлмаган ёки ёшлик даврдагидек ўқитиш-ўқиш жараёнларидаги ўзгаришларни ҳисобга оладиган бўлсак ҳам ёши катталар таълимига алоҳида психологик ёндашувларни қайта кўриб чиқишни таклиф қилди. Ёши катталар психологиясида ноаниқ бўлган, тушунарсиз бўлган қарама-қаршиликлар бўлиб, бу уларнинг ўзига хос психологик хусусиятларига боғлиқ. Ҳозирги кунда катталар таълими «Андрогогика» бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлар олиб борилмоқда.

Г. Эббингауз инсоннинг етуқлик ёши даврларини учта гуруҳга бўлди; прогресс, инсон ҳаётида ҳамма нарсани қамраб олувчи давр деб 25 ёшни, 25 ёшгача инсон интеллектуал ривожланиш бўлади. 25 дан 50 гача ёш даврларини тухташ даври, 50 ёшда (регресс) қайта ишлаш даври деб номлаган. Психолог олимлар томонидан "акмеология" йўналишида инсон ёш даврларини таҳлил қиладиган, ишланмалар схемасини кенг маънода тушунтириб беришга қаратилганлигини таъкидлайди. Бу йўналиш бўйича америка психологи Э. Торндайк «катталар таълими психология» номли китоби нашр этган. Шундай маънода материалларни келтирилган бўлсада, автор китобда у ёшдан бу ёшга ўтаётган даврдаги ўзига хос психологик хусусиятини айтиб бера олмаган. Н.А. Рыбников бу ёш инсон ҳаёт йўлининг битта жанжири ва уни акмеология деб белгилаб берди (акмеология грек сўзи «акме-чукки, гуллаш» деган)

Таълимнинг субъекти ёши катталар ҳисобланиб, уларнинг психологик хусусиятларидан янги термин сўзларни айтиб ўтишган. «Андрогогика» грекча сўз «андрос- одам» «гогос-олиб юрувчи» маънони билдириб, демак «одамга кириш ёки ёши катталар ҳақида» маънода ёндашадиган бўлсак ёши катталарга ёрдам бериш, уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олишган.

Ёшларга билим бериш устида ҳар куни ҳар хил усуллар, янгича ёндашувларни амалиётга тадбиқ этилар экан, уларга таълим бераётган профессор-ўқитувчиларнинг билим ва малакаларини оширишда замонавий илғор педагогик технологиялар ўз вақтида жорий этишни талаб этади. Ёшларга билим бераётган катта ёшдаги профессор ўқитувчиларимиз соғлом, мустақил фикрга, профессионал қобилиятга эга бўлиши лозим. Катта ёшдаги профессор ўқитувчилари ҳақида гап кетганида уларнинг барча имкониятлари ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир, айниқса уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиши, яъни катта ёшдаги педагог ходимлар учун қандай психологик тайёргарликлар керак.

Ушбу соҳадаги педагог ходимлар маълум даражада билим ва кўникмага эга бўлиши ва мазкур йўналиш бўйича ҳаётий тажриба ва иш тажрибага эга бўлиши лозим. Биз бунда катталарни ҳаётида таълимнинг ўрни, таълим муаммолари ва таълимга муносабатлари аҳамият қаратишимиз. Катта ёшдаги ходимлар ҳар қандай вақтда турли ёшдаги ва турли тайёргарлик даражасига эга бўлган тингловчилар гуруҳи билан ишлайди, шу сабабли гуруҳларни бошқаришда улардан алоҳида психологик маҳорат талаб этилади. Катталар таълим олувчилар томонидан жисмоний, руҳий, таълимий, ахлоқий-хулқий каби мажмуавий қийинчиликларни енгиб ўтишларига ёрдам берувчи шахс.

Шу билан бирга таълим самарадорлигини оширувчи ҳоҳишлар ва эҳтиёжларнинг ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Фанда ва ҳаётий тажрибада маълумки, одам ўз хоҳиши билан бажарган ишидан кўпроқ қониқиш олиши орқали унинг ижодкорликка бўлган интилиши янада ортади, аммо ёш ўтган сари таълим жараёни билан боғлиқ бўлган инсон организмидаги баъзи функциялари сустлашади: кўзнинг кўриши, қулоқнинг эшитиши сусаяди, хотира, фикрлашнинг тез ва мослашувчанлиги ёмонлашади, реакция тезлиги секинлашади. Катталар таълимидаги энг қийинчилик – бу психологик қийинчилик ҳисобланади.

Дарҳақиқат, катта ёшдагилар таълими учун педагог ходимларни тайёрлайдиган таълим муассасаси ёки махсус курслар мавжуд эмас. Бу борада педагог ходимлар малакаларга қандай эришиш мумкин? деган савол туғилади. Малака ошириш институтларида катта ёшдагилар учун махсус дастурлар бўлмаган, аммо жойларда мазкур масалалар юзасидан семинар-тренинглар ўтказилиб келади. Ҳар қандай курс ўқишларда катта ёшдигалар учун қуйидагиларни тавсия этиб ўтиш ўринли:

- таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражасини аниқлаш;
- уларнинг типологик ва психофизиологик хусусиятларини аниқлаш;
- таълим олувчининг имкониятларини олдиндан билиш;

- вақтни тўғри тақсимлай олиши;
- куннинг биринчи ярмида кўпроқ янги маълумотлар берилиши;
- маърузалар қисқа ва аниқ шаклланган бўлиши;
- ҳар қандай янги маълумот илмий асосланиши;
- янги пед-технологияларнинг барчаси ҳам катталар учун эмаслиги;
- ёш хусусиятларига қараб эҳтиёж, ҳоҳиш ва истакларини ҳисобга олиши лозим.

Бу омиллар таълим олувчиларни ўзларининг физиологик хусусиятларига мос ҳолда аудиторияга жойлаштирилиши ўқув материални ҳажми ва характерини аниқлаш учун - самарали ўқувни ташкил этишга хизмат қилади. Айниқса, таълим олувчиларнинг таълим берувчи билан муносабатларини коррективировка қилишда кўл келади. Таълимнинг андрогогик модели бу хусусиятларни қай даражадалигини аниқлаб қолмасдан, балки конкрет шахснинг психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда бутун таълим жараёнида мослаштиришни кўзда тутаяди. Катталар таълими ўзининг йўналишига қараб ҳар хил соҳалар бўйича олиб борилади. Бугунги кунги таълим жараёни ҳам кўплаб ўзгаришларни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда бу йўналиш бўйича россия давлатидаги катта ёшдагиларнинг малакасини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқот иши бир қатор муаммоларни ҳам келтириб ўтган, улар

- Тез чарчаб қолиш, диққатнинг чалғиши ва уни бошқариш
- Илмипазларнинг нуқтаи назарини қабул қилолмаслик, унга аралашишни ҳохламаслик
- Эшитиш ва тинглай олмаслик, ўзи ҳақида айтиб ҳалақит қилиши
- Ўқув аудитория ўқиш куникмаларининг шаклланиши қийин ўтиши, йўқлиги
- Ўқув материалларига «бу ерда ва ҳозир» деган прагматик ёндашуви
- Янги билимларга янги маълумотдек қизиқиши бўлади, лекин ҳамма вақтда ҳам тушуна бермаслиги, уни қандай ва қаерда қулланишини билмаслиги
- Конкрет мавзуга маслаҳатли жавоб олишга ҳаракат қилиши
- Катталар учун ўқиш муддати тезкорлик билан олиб борилиши ва оғирлик қилиши
- Ўқишга психологик йўналганлиги, психологик установкаларига боғлиқ
- Ўқувчи ролида жавоб беришга тайёр эмаслиги
- Шахсий ва иш амбициознинг мавжудлиги, дарс вақтида ишчи вазифасини олиб ташлай олмаслиги

- Танқидий карама-қаршилик ва лекторнинг ўқув материалларини ўзининг иш тажрибаси билан солиштириши
- Ўқитувчи ва курс тингловчилари томонидан қилинган танқидда ўзидаги қурқув ҳиссини яшириш

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак бари-бир ёши катталар учун ўз маҳоратини ошириш мақсадида катталар таълимини яхши йўлга қуйиш лозим. Ўқувчи ўзи ким? Андрогог ўзи ким? Қандай позицияда ўқишга ёндашиш лозим? Лекин буларнинг ҳаммаси андрагогнинг профессионал ёндашувини тўлиқ очиб беролмайди.

Андрогог бу-

- ёритувчи, йўлдош;
- монитор, наставник, маслаҳатчи,
- тьютор, аниматор, медиатор, фасилитатор;
- муаммоларни ҳал қилувчи;
- интерпретатор;
- популяризатор, транслятор;
- координатор;
- мастер.

Охирги йилларда андрагогика- назария ва амалий жихатдан икки йўналишда олиб борилади. Бунга асос ёши катталарнинг таълимга ёндашувининг ўзига хослиги. Охирги йилларда педагогикада алоҳида йўналиш ёши катталар таълимининг назарияси ва амалиёти «андрагогика» деб номланган. Ёши катталар таълимининг ўзига хос хусусиятлари;

- асосларга эҳтиёж
- мустақил, эркин бўлишга эҳтиёж;
- ҳаётий тажрибаси;
- амалий йўналишлар;

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, катталардаги ҳар хил вазиятларни ҳисобга олиб психологларнинг иш юритиш вақти келди. Бунинг учун катталар таълимида психологик қисқа курслар ёки семинар-тренинг семинар, диспут, суҳбат, маъруза, машғулотларининг узлуксиз олиб борилишини таъминлашимиз зарур. Психологлар ҳар қандай катталарда учрайдиган ўзгаришларга психологик жихатдан тайёргарлик кўриб бориши лозим.